SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

XDP O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2018-yil, 13-fevral. Seshanba • 13 (32.381) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## ОМБУДСМАН ҲИСОБОТИ МАЪҚУЛЛАНДИ

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи тингланди.**

Ўтган йили омбудсманнинг ҳуқуқ ва ваколатлари янада кенгайтирилиб, унинг вилоятлардаги фаолияти самарали ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг қонунчиликни такомиллаштиришга доир фаолиятида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилган. Хусусан, парламент назорати тўғрисида, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, Президент ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисидаги қонунларни такомиллаштириш жараёнларида қатор таклифлари билан иштирок этди.

Омбудсман йил давомида 144 туманда сайёр қабуллар ўтказган.

Вакил фуқаролар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, жазони ўташ жойларида инсон ҳуқуқларининг таъминланиши, аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламини қўллаб-қувватлаш йўналишларида самарали иш юритаётгани қайд этилди.

Ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва эҳтиёжманд оилаларни аниқлаш бўйича мурожаатлар ижтимоий кўмакнинг манзиллилигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Депутатлар Ўзбекистон ХДП ва унинг депутатлик бирлашмалари томонидан мазкур йўналишда қатор ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб, Омбудсманнинг мазкур тажрибаси партия дастурига ва фаолиятига ҳамоҳанг эканига урғу беришди. Шундан келиб чиқиб, эндиликда чорак якунига қадар тайёрланиши кўзда тутилган таҳлил натижаларини фракция орқали Ўзбекистон ХДПга ҳам тақдим этиш таклифи ўртага ташланди.

Муҳокамалар якунига кўра, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи фракция аъзолари томонидан маъқулланди.

Фракция йиғилишида «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

— Ушбу ҳужжат соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Мамажонов.** — Фракциямиз аъзолари фикрича, тизимдаги ўзгаришлар суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек, одил судловга эришиш даражасини оширади.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳам содир этилиши мумкин. Жиноят ишларини тергов қилиш, кўриб чиқиш жараёнида, жумладан, далиллар тўплаш, мустаҳкамлаш, текшириш ва баҳолашда қонунийлик ҳамда холисликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи бўшлиқлар бор эди. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга салбий таъсир кўрсатиб келарди. Аҳолининг асосли эътирозларига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда судларга бўлган ишончнинг пасайишига сабаб бўлаётганди. Президент фармони асосида тайёрланган бу қонун лойиҳаси фуқароларни қийнаб келаётган муаммолар, камчиликларни бартараф этишга катта ҳисса қўшади, деб ҳисоблаймиз.

Қонуннинг қабул қилиниши партиямиз электорати манфаатлари ишончли ҳимоя қилиниши ҳамда партия дастурий мақсадлари янада самарали амалга оширилишига хизмат қилади.

Йиғилишда фракция аъзолари кун тартибидан ўрин олган қатор қонун лойиҳаларини ҳам муҳокама қилишди.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

### ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ ЙИҒИЛИШИ







Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

## КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ: ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

**Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар таълим соҳасига инновацион ғояларни тарғиб этмоқда. Мамлакатимизда ҳам бу борада бир қатор амалий чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилаётир. Ўзбекистон таълим тизими янги тараққиёт йўлига қадам қўйди. Президентимиз раислигида 2017 йилнинг ўзида таълим соҳасига бағишлаб 4 марта йиғилиш ўтказилди. Уларда таълим тизимида туб ислоҳотларни амалга ошириш зарурати асослаб берилди, янги истиқболли йўналишлар бўйича вазифалар белгиланди.**

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 25 январдаги «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим ҳужжат бўлди. Ушбу фармон мазмун-моҳияти ҳақида **Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори Муродулло ХОЛМУҲАММЕДОВ** ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Мамлакатимизда ота-оналар ва ўқувчиларнинг хоҳиш-истаклари асосида 11 йиллик мажбурий умумий ўрта таълим тизими жорий этилди. Бу ташаббус кенг жамоатчилик томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Навбатдаги яна бир ғоят муҳим масала — ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимидаги камчиликларни бартараф этиш, тизимга янги инновацион ғоялар жорий этиш эди. Бу масала Президентимизнинг «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони асосида ўз ечимини топмоқда. Тўғри, мазкур тизимда ютуқларимиз бор, шу билан бирга, камчиликлар ҳам кўзга ташланиб қолган эди. Булар нималарда намоён бўлади?

Айрим коллежлар аҳоли яшаш жойларидан узоқда бўлиб, бу кўп ҳолларда ўқувчиларнинг машғулотларга қатнашмаслигига сабаб бўлаётганди. Касб-ҳунар коллежлари моддий-техник базаси талаб даражасида эмас, дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳам етишмасди. Касб-ҳунар коллежларида кадрлар тайёрлаш тизими муаммолари ҳудудлардаги иқтисодий тармоқларнинг реал эҳтиёжидан ортда қолаётганида кўзга ташланди.

Маълумки, шу пайтга қадар касб-ҳунар коллежларида барча касблар 3 йил мобайнида ўқитиб келинган.

Эндиликда коллежлар вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, тижорат банклари ва йирик корхоналарга бириктирилиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистондаги касб-ҳунар коллежларининг келажакдаги қиёфаси ҳақида гапиришдан аввал бир пайтлар иқтисодиёти у қадар ривожланмаган мамлакатдан қисқа вақт ичида юқори технологиялар мамлакатига айланган, ушбу соҳада «катта сакраш»ни амалга оширган Жанубий Корея, Финляндия ва Сингапур давлатлари таълим сиёсатини эсга олиш ўринли. Бу мамлакатлар бундай ютуққа ўз таълим тизимига тўғри ўзгартишлар киритгани, тизимда тўғри сиёсат олиб боргани учун эриша олди. Ўқитувчиликка истеъдодли кадрларни жалб қилиш мақсадида уларнинг маоши ва обрўсини кескин оширган эди.

Таълим борасида энг илғор хорижий тажрибаларни ўрганиб, амалиётда қўллашни режалаштирган Ўзбекистон ҳам мана шундай тезкор ривожланиш йўлини танламоқда.

Ҳар бир тайёрлов йўналиши бўйича ривожланиш концепцияси ишлаб чиқилади, миллий квалификацион рамкалар белгиланади ва касбга оид стандартлар жорий этилади. Профессионал стандарт маъноси шуки, дейлик, битта иш ўрни ишчидан қандай малака ва кўникма талаб қилади, ушбу ҳолат ўрганилиб, шу асосда модулли ўқув режалари пайдо бўлади. Таълим жараёни эса доимий равишда такомиллаштириб борилади. Бундан мақсад — касб-ҳунар таълими тизимини иқтисодиёт ривожланишининг муҳим компонентига айлантириш. Яъни юқори малакали ишчи, касб эгалари, иқтисодиётнинг ўрта бўғини мутахассислари тайёрланади.

Айни пайтда коллежлар фақат 9-синф битирувчиларини қабул қилган бўлса, эндиликда бундай стандартлардан воз кечилмоқда. Мисол учун, фуқаро ўз касбини ўзгартиришни ният қилди. Дейлик, у ўзи яшайдиган ҳудудда янги қурилган тўқимачилик фабрикасига ишга кириш учун касб-ҳунар ўрганмоқчи. Бироқ, бундай ниятда бўлганларга кескин «йўқ» жавоби берилган. Соғлиғи тўғри келмагани сабабли бошқа касбни эгалламоқчи бўлган фуқаролар ҳам худди шундай муаммога дуч келган.

Эндиликда эса коллежларда нафақат мактаб битирувчилари, бунга қадар ҳам ўрта махсус маълумот олган, олий маълумотга эга бўлган, ишсиз қолиш хавфи остида қолган ихтиёрий ёшдаги фуқаролар ҳам таҳсил олишлари мумкин бўлади.

Ҳозиргача коллежлар фақат кундузги таълим шаклига эга эди. Келгусида коллежларда кундузгидан ташқари сиртқи, масофавий ва уйғунлаштирилган таълим йўналишлари йўлга қўйилади.

Шунингдек, ўқиш муддати 3 йил ва мажбурий бўлган бўлса, энди касбларнинг мураккаблигидан келиб чиқиб, 6 ойдан 2 йилгача муддатда ихтиёрий этиб белгиланди. Яъни эҳтиёж бўлдими, келиб ўқиш имконияти яратилди.

Юқори технологик тайёргарлик талаб қиладиган 6 ойдан 1 йилгача бўлган касбий таълим дастурлари буюртмачи иш берувчи корхоналар, идора ва ташкилотлар томонидан молиялаштирилади. Буюртмачиси бўлмаган шахслар ўзларининг шахсий жамғармалари ҳисобидан тўловни амалга ошириши мумкин. 1,5 — 2 йиллик мутахассисликни эгаллаш бўйича ўрта махсус ўрта бўғин таълим дастурлари олий таълимга муқобиллик асосида бир қисми грант, бир қисми контракт ҳисобидан амалга оширилади.

Иқтисодий жиҳатдан барқарор вазирлик, идора ва корпорациялар, йирик иш берувчилар ўз акциядорлари, ички имкониятлари доирасида ўқувчилар учун қўшимча стипендия ва шу каби қўллаб-қувватлашни амалга ошириши мумкин.

Президентимизнинг юқорида зикр этилган фармонида кам таъминланган оилалардан ўқувчилар касб-ҳунар (кўп тармоқли) коллежларида, уларнинг идоравий мансублигидан қатъи назар, бепул асосда ўқитилиши белгиланган. Касб-ҳунар коллежларида давлат гранти асосида таълим олган битирувчиларни, уларнинг эгаллаган касби бўйича, ҳудудларда камида уч йил ишлаб бериш учун ишга юбориш тартиби ўрнатилади.

Мухтасар айтганда, касб-ҳунар таълими тизимидаги бу ўзгаришлар мамлакатимиз иқтисодиётини, барча соҳаларни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

**ЎзА мухбири Улуғбек АСРОРОВ ёзиб олди.**



## ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН: «МЕНДА ТАКЛИФ БОР!»

## Сизда қандай таклиф бор?

**Бугун мамлакатимизда улуғ ниятлар билан амалга оширилаётган тарихий ислоҳотлар халқимизни чинакамига тўлқинлантирмоқда, мамнун этмоқда.**

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида олиб борилаётган бу ишлар тараққиётимизни тезлаштириб, янги босқичга олиб чиқмоқда. Ўзбекистондаги бундай очиқ, шаффоф сиёсатни, бағрикенгликни, инсонни улуғлаш бўйича қиёси йўқ ислоҳотларни хорижий давлат раҳбарлари, арбоблари ҳам эътироф этмоқда.

Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили деб эълон қилинган 2018 йилда қабул қилинган Давлат дастурида марра янада баланд олинди, ўткир муаммолар ечимига, халқимиз манфаатига хизмат қиладиган улкан вазифалар аниқ белгилаб берилди. Бугун улар ижросига ғайрат-шижоат билан киришилди.

Аммо ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган, кўпчилигимизни ташвишга солаётган камчилик ва муаммолар бор, албатта. Ўз юрти, халқи, келажагини ўйлаган киши уларга бефарқ қарай олмаслиги табиий. Барчамиз бирдек жон куйдирсак, менинг меҳнатим, таклифларим Ватаним учун зарур, деган туйғу билан яшасак, камчилик ва хатолар барҳам топади, ташаббуслар кўпаяди, ислоҳотлар самараси, қудрати ошади.

«Менда таклиф бор!» деб номланган янги рукн ҳам ушбу фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб ташкил этилмоқда. Бошқача айтганда, биз барча ҳамюртларимизга, газетхонларимизга мурожаат қилмоқчимиз:

**1. Катта орзу-ҳаваслар, эзгу ниятлар билан амалга оширилаётган ислоҳотларга нималар тўсиқ бўлмоқда? Уларни бартараф этиш бўйича қандай таклифларингиз бор?**

**2. Ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, янада тезлаштириш учун нима қилмоқ керак, деб ўйлайсиз?**

Бу саволларга мутахассислар, олимларимиз, академикларимиз, партиямиз фаоллари, барча даражадаги депутатларимиз ва сенаторлардан, газетхонлардан таклиф кутамиз.

Албатта, таклифлар асосли, етти ўлчаб, бир кесилган бўлиши мақсадга мувофиқ. Сизнинг таклифларингиз соҳалар ривожига, мамлакатимиз тараққиётига, халқимиз ҳаёти фаровонлигига хизмат қилади. Таклиф айтиш билан бугунги ислоҳотларда фаол қатнашган, ўз фуқаролик бурчимизга садоқатимизни намоён этган бўламиз.

Таклифлар газетамизда эълон қилиб борилади. Йил охирида энг яхши таклифлар муаллифлари газетамизда эълон қилинади ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Марҳамат, **Сизда қандай таклиф бор?**

**ИЗОҲ:** *Таклифлар муаллифининг исм-шарифи, иш жойи, лавозими ва телефон рақамлари албатта кўрсатилиши керак.*

**БИЗНИНГ МАНЗИЛ:** *100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.*

**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** *info@uzbekistonovozi.uz*

**ФАКС:** *(+99871) 233-65-45*

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:** *(+99871) 233-81-97, 233-79-14, 233-06-83.*

## ҚЎШМА КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

**Тошкентда Хавфсизлик масалалари бўйича Ўзбекистон — Афғонистон қўшма комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.**

Афғонистон Президенти Муҳаммад Ашраф Ғанининг 2017 йил 4-6 декабрь кунлари Ўзбекистонга расмий ташрифи чоғида Хавфсизлик масалалари бўйича Ўзбекистон — Афғонистон қўшма комиссиясини тузиш ҳақида келишувга эришилган эди.

Йиғилишда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, қурол савдоси ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қонунийлаштириш ва уюшган трансмиллий жиноятчиликнинг бошқа шаклларига барҳам бериш масалаларидаги ҳамкорлик ҳолати ва истиқболлари муҳокама қилинди.

Хавфсизликни таъминлаш, қўшма тараққиёт ва инфратузилма лойиҳалари, жумладан, Мозори Шариф — Ҳирот темир йўли ҳамда Сурхон — Пули-Хумри электр узатиш линияси қурилишини амалга ошириш, шунингдек, Кобул ва Мозори Шариф шаҳарларидаги ишлаб чиқариш корхоналари, марказлари, савдо уйлари хавфсиз фаолиятини таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Тадбирда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасидаги кўп қиррали ўзаро алоқаларни ривожлантиришнинг ижобий динамикаси қайд этилди. Транзит-транспорт, инфратузилма, савдо-иқтисодий, сармоявий, энергетика ва бошқа муҳим соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга оширишдаги нафақат икки томонлама, балки кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришга тайёрлик билдирилди.

— Икки давлат раҳбарларининг 2017 йил декабрь ойидаги учрашуви мамлакатларимиз ўртасида фаол ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини берди, — деди Афғонистон Ислом Республикаси Президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Ҳаниф Атмар. — Хавфсизлик масалалари бўйича Ўзбекистон — Афғонистон қўшма комиссиясининг биринчи йиғилиши якунлари бўйича эришилган натижалар эса Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида келгусида стратегик лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича ўзаро муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Хавфсизлик масалалари бўйича Ўзбекистон — Афғонистон қўшма комиссиясининг илк йиғилиши якунлари бўйича тегишли протокол имзоланди.

**ЎзА**

Диққат, янги рукн: **Депутатга беписандлик — халққа беписандлик**

Бугун шиддат билан ўзгараётган давр ҳудудий партия кенгашлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик бирлашмалари фаолиятини кучайтиришни, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида ташаббускорликни оширишни талаб этмоқда.

ЎзХДПнинг маҳаллий ташкилотлари, партия гуруҳлари томонидан Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан қатор амалий ишлар олиб бориляпти. Аммо бу ишлар ҳали қониқарли даражада эмас. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганидек, ҳисоботларга эътибор берсак, маҳаллий Кенгашлар фаолиятида гўёки ижобий ўзгаришлар юз бераётгандек туюлади, лекин улар фақат рақамларда акс этмоқда, холос. Бизга рақамлар эмас, аниқ натижа керак.

**Хўш, маҳаллий Кенгашлар фаолиятини янада кучайтириш учун нима қилиш керак? Депутатлар ўз ваколатларини амалга оширишига нималар тўсиқ бўляпти? Бугун маҳаллий Кенгаш депутатлари зиммасида қандай вазифалар турибди?..**

**«Депутатга беписандлик — халққа беписандлик»** деб номланган янги рукн остида ушбу масалалар ҳақида депутатлар, партия фаоллари, мутахассислар, турли соҳа вакилларининг фикр-мулоҳазалари, таклифларини бериб бориш режалаштирилган.

# Депутатларнинг 20 га яқин сўрови

***жавобсиз қолдирилган. Лекин ҳеч ким маъмурий жавобгарликка тортилгани йўқ...***



**Дилшод НОРМАТОВ, Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгаши бўлим мудири:**

— Депутатлар фуқаролар мурожаатлари асосида тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови билан чиқиш ваколатига эга. Аммо айрим ҳолларда мансабдор шахсларнинг депутатлик сўровига написандлик билан қараш ҳоллари кузатиляпти. Ёки баъзи ташкилотлар раҳбарлари мурожаатларга шунчаки умумий жавоб бериш билан чекланади. Таҳлилий, атрофлича тушунтириш йўқ. Бу эса сайловчиларнинг депутатларга ишончи сусайишига олиб келмоқда. Депутат учрашувларда аҳолининг мурожаатларини ёзиб олиб, уларга ечим топишга кўмаклашишга ваъда беради. Айрим раҳбарларнинг лоқайдлиги сабабли депутат учрашув ўтказган ҳududдаги муаммо очиқлигича қолиб кетади. Депутат кейинги гал учрашув ўтказганда ечилмай қолган муаммо яна кўтарилади, албатта. Шунда депутат одамларга нима деб жавоб беради? «Ташкилот ҳалигача мурожаатга жавоб бергани йўқ ёки тўлиқ жавоб ололмадик,» дейдими?..

Мана, масалан, Ғаллаорол туман Кенгаши депутати Сайдулла Рўзиқулов ўтган йилнинг бошида Жарбулоқ қишлоғидаги электр симёғочларини янгилаш бўйича туман электр тармоқлари корхонасига депутатлик сўрови билан чиқди. Аммо йил тугади ҳамки, ташкилотдан бирон бир жавоб бўлмади.

Ўтган йилнинг июль ойида туман Кенгаши депутати Шафоат Сафарова Корисқудуқ қишлоғидаги ички йўлларни таъмирлаш масаласида туман йўллардан фойдаланиш корхонаси раҳбарига мурожаат билан чиққан. Аммо шу вақтга қадар ушбу депутатлик сўровига ҳам жавоб берилмаган.

Бундай мисолларни бошқа туманлардан ҳам келтириш мумкин. Ўтган йили вилоят миқёсида партиямиздан сайланган депутатлар томонидан тегишли ташкилотлар ва корхоналарга 313 депутатлик сўрови киритилган бўлса, уларнинг 263 таси ҳал этилди. Қолганлари назоратга олинган, 20 га яқини умуман жавобсиз қолдирилган.

Тўғри, қонунда депутатлик сўрови жавобсиз қолдирилган ҳолатлар бўйича маъмурий жавобгарлик белгиланган. Аммо бу амалда қўлланилаётгани йўқ.

Аҳолини ўйлантираётган масалаларга мутасадди ташкилотлар эътибор билан қараса, улар жойида ҳал этилса, муаммо илдиз отмайди, аксинча, одамлар ҳаётидан рози яшайди. Раҳбар ходимлар депутатлик сўровига масъулият билан ёндашса кичик-кичик масалалар катталашмайди, деб ўйлайман.



**Холмамат ХЎЖАҚУЛОВ, Сурхондарё вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси:**

— Маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари электорат манфаатларини кўзлаб, қонунлар, меъёрий ҳужжатларнинг жойлардаги ижросини кўзлаб, бирор соҳа бўйича ечимини кутаётган масалани сессияга киритади. Шу орқали ҳудудлардаги муаммоларга маҳаллий ҳокимлик ва соҳага алоқадор мутасадди ташкилот раҳбарларининг эътибори қаратилади. Кун тартибига киритиладиган масала дастлаб депутатлар, партия фаоллари томонидан ўрганилади. Бажарилиши лозим бўлган вазифалар борасида муайян хулосага келиниб, тегишли идора ташкилотлар олдига аниқ вазифалар қўйилади. Аммо кўп ҳолларда сессияларда қабул қилинган қарорлар қоғозда қолиб кетади. Сессия ўтдими, ўтди, кейинги масалани ўрганиш давом этаверади.

Афсуски, депутатлик гуруҳлари томонидан сессиялар кун тартибига олиб чиқилган масалалар бўйича қабул қилинган қарорлар ижро этилмай қолиб кетиш ҳоллари учраб туради. Бундай лоқайдлик билан мутлақо келишиб бўлмайди.

Депутатлар сессияда қабул қилинган қарорлар ижросини мунтазам назорат қилиб боришлари керак. Муаммолар ечими юзасидан мутасадди ташкилотлар олдига қўйилган вазифалар бажарилишини мониторинг қилиш, керак бўлса, уларга елкадош бўлиб, аҳолини қийнаётган масалаларга биргаликда ечим топишлари зарур.

Сиёсий партиянинг асосий кучи маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳисобланади. Улар фаолиятини кучайтириш ҳудудлардаги ижтимоий масалаларни комплекс ўрганиш ва ҳал этиш, мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш, ҳудудий дастурларнинг бажарилиши ҳамда бюджетдан ижтимоий соҳага ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бу масалалар аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламлари манфаати билан бевосита боғлиқ.

Зиммамизда турган вазифалар кўлами ва масъулиятини тўлиқ ҳис этиб турибмиз. Ҳаётни чуқур ўрганиб, аниқ мақсадга йўналтирилган ташаббусларни кўпайтиришимиз керак. Орамизда одамларни безовта қилаётган ижтимоий масалаларни ўрганиб, таҳлил этиб, амалий таклифлар беришга етарли аҳамият қаратмаётган депутатлар ҳам борлигидан кўз юма олмаймиз. Аммо бугун одамлар ҳар биримиздан ташаббус ва амалий ишлар кутяпти. Биз ижтимоий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, унинг самарадорлигини ошириш юзасидан маҳаллий Кенгашлар даражасида нафақат қарорлар қабул қилишга, балки унинг ижроси таъминланишига эришишимиз зарур.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

# Ўзбекистон — Россия ёшлари форуми

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгашида Ўзбекистон — Россия ёшлари иккинчи форумининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Форумда икки мамлакат делегациялари аъзолари, мамлакатимиздаги дипломатик корпус вакиллари, иқтидорли ёшлар иштирок этди.

Мазкур форум Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан Россия ёшлар иттифоқи ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги Англашув меморандумига мувофиқ ўтказилмоқда. Анжуман икки давлат ёшлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, Россия ёшлар иттифоқи вакиллари билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади. Форум 12-18 февраль кунлари Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида ўтказилиши белгиланган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши раиси Қ.Қуронбоев, Россия ёшлар иттифоқи раиси П.Красноруцкий форум ёшлар ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш, дўстона муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Форум доирасида икки давлат ёшлари ўртасида ўзаро мулоқот, тажриба алмашиш муҳитини яратиш, тадбиркорлик, туризм соҳаларини ривожлантириш истиқболлари, ёшлар ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш бўйича қатор дастурларни муҳокама этиш мўлжалланмоқда. Иштирокчилар Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг технопарки ва Ёшлар ижод саройига ташриф буюради. Ёш ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ёшлар сиёсатида фан ва таълим каби мавзуларда давра суҳбатлари ташкиллаштирилади.

**Н.НАСРИЕВ, ЎзА мухбири.**

«ЎЗБЕКИСТОН ХДПНИНГ ЭНГ ФАОЛ АЁЛИ — 2018»

# НИЯТЛАР ҚОҒОЗДА ҚОЛИБ КЕТМАСИН

***Бугуннинг талаби шундай***

Қашқа воҳасида бугун Қарши тумани кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. У ернинг кўплаб ташаббус кўрсатиб меҳнат қилаётган кишилари билан учрашиб, сўнг Гулноза Қодированинг ҳузурига келдим.

Гулноза яхши ташкилотчи. Бир ишни бошладими, охиригача етказмагунча тинчимайди. Ўтган йили «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловининг вилоят босқичида айтган ниятлари нима бўлди?

— Ҳокимият Ботош қишлоғидаги қаровсиз бинони ноль қийматда менга бергач, кредит ҳисобига 20 та тикиш машинаси сотиб олдик, — дейди суҳбатдошимиз. — Ҳозирча 8 нафар ишчи кичик корхонамизда турли кийим-кечаклар тикяпти. Ҳали яхши орзуларимизга етамиз...

Танловнинг Қашқадарё вилоят босқичи ўтиши мўлжалланган Қарши шаҳридаги болалар мусиқа мактабида ҳунармандлар тайёрлаган буюмлар кўргазмаси ташкил этилган эди. Дилимдан қайта-қайта орзулар қоғозда қолмаслиги керак, деган ўй ўтди. Ўтган йили анча хом режалар тақдим этилганидан афсусланардим. Танишиб, суҳбатлаша бошладим. Мен учун танлов иштирокчиларининг ҳаёти, ўйлари, интилишлари муҳим эди. Деҳқонобод тумани вакили Шоира Қўзиева цех очиб, ногирон аёлларни иш билан таъминлашни мақсад қилибди. Нишонлик Севара Нарзуллаева Ҳаракатлар стратегиясини тарғиб этишга оид лойиҳа билан келибди. Қарши шаҳар вакили Зулхумор Муқимова касаначи аёллар учун алоҳида шароит яратиш иштиёқида.

Касби туманида ҳунармандлар, чеварлар кўп. ЎзХДП аъзоси 30 йилдан буён минглаб ёшларга ҳунар ўргатиб келаётган, ҳозир цехида 20 нафар тикувчи билан турфа кашта, аёллар буюмларини ишлаб чиқараётган Зебо Султонова билан суҳбатни эса эсдан чиқармайман. У шогирди Хуршида Бўриевага МЧЖ корхона тузиш йўл-йўриқларини ўргатаётган экан. Бугун шогирди танлов иштирокчиси.

— Ҳаёт ўртага қўяётган муаммолар, вазифалардан юз ўгириб кетиш асло мумкин эмас, — дейди **ЎзХДП Касби туман кенгаши раиси Султон Ҳамроев.** — Хўп, туманимизда қишлоқ хўжалиги етакчи соҳа. Ўтган йили 65 минг тоннадан кўпроқ пахта етказиб бердик. Агар 2360 партия аъзомиз бўлса, уларнинг 35-40 фоизи қишлоқ хўжалигида меҳнат қиляпти. Партиядошларимизнинг 830 нафари хотин-қизлар. Уларнинг орасида ташаббускорлари кўп. Масалан, туман Кенгаши депутати Элмира Ҳасанова ташландиқ бинода 10 ўринли хусусий боғча ташкил қилди. Қамаши қишлоғида 3 мингга яқин бола боғчага бориши керак.

«Раҳмат», дейман касбиликларга. Хуллас, танлов бошланади. Шарти учта эди. Лойиҳа тақдимоти, қонунлар шарҳи ва саволларга тезкор жавоблар. **Китоб тумани вакили, олий маълумотли тиббиёт ҳамшираси Дилора Оббоева** баҳсда устунлик қилди. Доривор ўсимликларни тарқатадиган «Шарқ табобати маркази» хусусидаги лойиҳасига аъло баҳо олди. «Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг эҳтиёжманд тоифалари манфаатлари билан боғлиқ қонун ҳужжатларини яхши шарҳлаб, айрим таклифларини билдирди. Савол-жавобда юқори кўрсаткичга эришиб, кўрик-танловнинг Республика босқичига йўлланмани қўлга киритди. Учинчи ўрин **Муборак тумани вакили Гулчеҳра Жўраева**га насиб қилди.

— Иккинчи ўринни олиш ҳам осон бўлмади, — дейди **қамашилик Лобар Худойқулова.** — Савол-жавобларга етарли ҳозирлик кўрмаган эканман, келгусида буни ҳисобга оламан. Бизнинг Баландчайл қишлоғимизда 15 минг аҳоли яшайди, 2 та мактаб, коллеж, меваларни қайта ишлайдиган корхона бор. Тағин 8 нафар хусусий тадбиркор фаолият кўрсатади. Аммо компьютер хизмати учун туман марказига қатнашади. Мен қишлоғимиздаги эски бинони ижарага олиб, шу соҳани йўлга қўймоқчиман. Туман марказидан ер майдони олганман, келгусида қўшқаватли бино қуриб, иккинчи кичик қаватини гўзаллик салонига айлантираман. Хуллас, ниятимни амалга оширмагунча тинмайман...



— Вақт кутиб турмайди, — дейди **ҳайъат аъзоси, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси Зарнигор Аҳмедова.** — Очиғи, бу сафар танловда ташаббускор, янги давр талабларини яхши ҳис қилаётган опа-сингилларимиз қатнашди. Ҳаётларидаги мақсадлари, режалари ҳақида эшитиб, ҳавасим келди. Фақат бу лойиҳалар, режалар қоғозда қолиб кетмаслиги керак...

**Танловнинг Андижон вилоят босқичи ҳам кўтаринки руҳда ўтди.** Шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 17 нафар иштирокчи ўз билимини синовдан ўтказди.

Хотин-қизлар учун барқарор ва юқори маош тўланадиган иш ўринлари яратиш, аёлларнинг сиёсий фаоллигини оширишда самарали услублар, эҳтиёжманд оилаларнинг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган лойиҳаларга юқори баҳо берилди.

Якуний натижага кўра, **Жалақудуқ туманидан Нилуфархон Хурхонова вилоят босқичи ғолиби бўлди. Шаҳрихонлик Зарифа Сайдалиева иккинчи, асакалик Феруза Тожибоева учинчи** ўринга муносиб кўрилди.

**Юнус УЗОҚОВ, Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА

Сурхондарё вилояти марказидан қарийб 200 километр олисда жойлашган Сариосиё туманида 200 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Қисқа даврда ҳудудда ўнга яқин йирик ишлаб чиқариш корхоналари иш бошлади. Ана шундай мажмуалардан бири «Шўртаннефтгаз» масъулияти чекланган жамиятига қарашли «Шўртаннефтгаз текстиль» унитар корхонасидир. У ерда эркаклар, аёллар ва ёш болалар учун пайпоқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

# 130 нафар қишлоқ ёшлари

**иш билан таъминланди**

— Бир йилда 10 миллион жуфт маҳсулот тайёрлаш имконияти яратилган, — дейди **бош технолог Набижон Иброҳимов.** — Унинг 80 фоизи «ST» ёрлиғи асосида хорижга экспорт қилинса, қолган қисми ички бозорга етказиб берилади.

— Янги корхонанинг иш бошлагани айни муддао бўлди, — давом этади **ишчи Мафтуна Солиева.** — Қисқа даврда Италия, Шотландия ва бошқа хорижий мамлакатлардан келтирилган дастгоҳларни ишлатишни ўргандик. 130 нафар тенгдошимиз иш жойлари билан таъминланди. Биз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар рақобатбардош ва бежиримлиги билан харидорларга манзур бўлаётганидан хурсандмиз.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

O'ZBEKISTON OVOZI
• 2018-yil, 13-fevral. Seshanba
• 13 (32.381)-son



# ЭРКИН ИНСОН МЎЪЖИЗА ЯРАТАДИ

**«Агар одамни энг катта қадрият қилиб юқорига қўймасак, биз хато қилаверамиз...»**

Кейинги бир-икки йил ичида Ўзбекистонда, қишлоғу маҳаллаларимизда рўй берган энг катта ўзгариш нима деб сўрасангиз, «одамлар бошини кўтариб яшашни ўргана бошлади» мазмунидаги жавобларни ҳам эшитасиз.

Улкан-улкан конлару корхоналаримиз, бир чўп суқсак, гул унадиган тупроғимиз, бепоён далаларимиз борлиги ҳақ гап. Лекин энг катта бойлигимиз шу юртда яшаётган одамлар, уларнинг иштиёқи, яратувчанлик салоҳияти билан боғлиқ. Бу чексиз хазина худди мўъжизага ўхшайди, ҳеч қачон тугамайди. Уни увол қилишга эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ҳозирги дунёда муваффақият ким томонда?.. Инсон салоҳиятига, эркинлигига, таклиф-ташаббусларига, инновацияга йўл очилган мамлакатлар томонда. Замоннинг олтин қоидаси шундай: инсон омилини энг баландга олиб чиқмаган давлат фақат ютқазади.

Давлат органлари раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари аҳоли билан юзма-юз мулоқот қила бошлагандан бери нафақат мурожаатлар, балки таклифлар, эркин фикрлар ҳам кўпая бошлади. Кўча-кўйдаги гурунгларга эътибор берган киши ҳам буни дарров сезади.

2018 йил учун мўлжаллаб қабул қилинган Давлат дастурида белгиланган вазифалар ҳақида билдирилаётган фикр-мулоҳазалар маҳалла-кўйда, тўй-томошаларда, оила даврасидаги суҳбатларда қизигандан қизияпти.

Муносабат турлича, фикрлар хилма-хил, уларнинг орасида асослилари ҳам бор, асоссизлар ҳам... гап бу ҳақда эмас. Асосий гап одамлар фикрини эркин билдира бошлаганида, рўзғорининг, бола-чақасининг ташвишидан ортиб, қонун ҳақида, ҳуқуқ ҳақида, давлат миқёсидаги ишлар ва дастурлар ҳақида ўйлаётганида, шунчаки ўйлаётгани эмас, қизиқиб муносабат билдираётганида.

**Ёлғондан толиққан одамни бир нарсага ишонтириш, айниқса, «ноҳақ қамалишлар, терговда уриб, майиб қилишлар, алдаб ёки бўлмаса мажбурлаб айбни бўйнига қўйишларга қарши курашилади», «судда адвокатнинг гапи, тўплаган далиллари ҳам ҳисобга олинади», «хуллас... энди қонун устувор бўлади», деган гапларни тушунтириш жуда оғир иш.** Эркин яшашга, фаол бўлишга ундаш яна ўн марта, юз марта оғирроқ масала.

Бу йилги Давлат дастурининг муҳим жиҳатларидан бири жамоатчилик фикри, мулоҳазалари, таклифлари ҳисобга олинганида бўлди, деб айтишга асослар етарли. Ислоҳотлар шу тарзда қатъият билан давом эттирилса, яқин йилларда одамлар бутунлай ўзгаради. Бефарқлик, бепарволик деган дардларга даво топишнинг ҳаётда синалган энг мақбул усули эркин фикр билдиришга шароит яратилишидир.

«Қачон хато камроқ бўлади?.. Шу жараёнда халқнинг ўзи бевосита, салгина бўлса ҳам, муносабатини билдирса, таклифларини берса, хато камроқ бўлади. Шунга биз ҳаракат қилаяпмиз».

«Одамларни гапиртиришга ўргатишимиз керак, одамларни сал эркин яшашга ўргатишимиз керак, одамлар билан ҳисоблашишга мажбур қилишимиз керак».

«Агар одамни энг катта қадрият қилиб юқорига қўймасак, биз хато қилаверамиз...»

Шу томондан қараганда, **Давлат дастурида одамларни эркин яшашга ундайдиган янгиликлар талайгина экани яққол кўринади.** Булар биринчи навбатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш масалалари билан чамбарчас боғланган.

Судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминламасдан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга демократия нуқтаи назаридан нима мумкинлигию нима мумкин эмаслигини аниқ ва қатъий белгилаб қўймасдан, фуқаролар устувор ҳуқуқларини амалга ошириши учун реал шароит яратмасдан, одамларни эркин яшашга ўргатиш, улардан фаолликни кутиш мумкин эмас. Инсоннинг ҳуқуқи ҳамма нарсадан азиз ва мукаррам эканини айтиш бошқаю буни амалда рўёбга чиқариш, шунга йўл очиб бериш бутунлай бошқа масала экан. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятини яхшилашга қайта-қайта мурожаат қилинаётгани бежиз эмас. Тизимдаги ислоҳотлар баланддан пастга тушиши учун ҳали кўп курашиш керак бўлади. Чунки **демократик ўзгаришларга хушламайроқ қараб турганлар, эски эгардан тушишни истамай юрганлар, кўчага чиққанида одамлар елка қисиб, ийманиброқ қарашини хохловчилар, шу ҳақда ўйлаб, кечалари ухлолмай чиқаётганлар ҳам йўқ эмас.** Улар «ортга энди йўл йўқлигини, у кўприклар аллақачон ёниб, кул бўлгани»ни тушуниши, тушунишку майли, тан олиши жуда мушкул. Лекин Давлат дастури билан яқиндан танишган киши одамларни эркин яшашга ўргатиш йўлида қатъият билан иш бошланганини, бу вақтинчалик кампания эмаслигини англаши аниқ.

Дастурда суриштирув ва дастлабки тергов устидан суд назоратини кучайтириш вазифаси қўйилган. Шу муносабат билан ишлаб чиқиладиган қонун лойиҳасида **фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида тинтув ва телефон сўзлашувларини эшитишга санкция (рухсат) бериш ваколатини прокурордан судга ўтказиш** назарда тутилади.

Бошқа бир қонун лойиҳасида **процессуал қонунчилик нормаларини бузган ҳолда олинган кўрсатувлар, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги** белгиланади.

Шуларга мувофиқ равишда фуқароларни терговга қадар текширув, суриштирув, тергов, суд ҳамда жазони ўташ жараёнида қийноққа солганлик ёки бошқача тарздаги инсоннинг қадр-қимматини камситувчи тазйиқлар содир этганлик учун жавобгарликни янада кучайтириш, ушбу турдаги жиноятларни содир этишга кўмаклашган бошқа шахсларни ҳам жиноят субъектлари қаторига киритиш кўзда тутилди.

Инсоннинг шахсий ҳаёти ҳеч ким дахл қилишга ҳақли бўлмаган ўзига хос олам, муқаддас ҳудуддир. Унинг чегарасини кесиб ўтиш учун жиддий сабаблар керак. Эътиборсизлик билан қўйилган биргина қалтис қадам бу оламда ҳамма нарсани барбод қилиши мумкин. Бу нозик масаланинг битта шахс измида қолдирилиши тўғри эмаслигини ҳаммамиз яхши англаб турибмиз.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга, терговга қатнаб юрган одамларнинг, қандайдир қўрқув оғусини ичиб қўйгандай, кўнгли чўкиб юрганини кўрганларимиз бор. Бу шундай қўрқувки, айбдорлик, пушаймонлик ҳиссига ўхшамайди. Айрим тергов қилувчи ходимлар ҳуқуқни, қонунни унчалик тушунмайдиган соддароқ кишиларни «айланма» саволлар, минг бир хил нағмалар билан не кўйларга солмаган, дейсиз. **Тергов пайти эшикни маҳкам ёпиб, ўзини бир инсоннинг тақдири, ҳаётини чангалида ушлаб турган девдай ҳис қиладиган, сўроқ муваффақиятли ўтиши учун ҳар қандай ўйинлардан тап тортмайдиганлар, кейинчалик буни «профессионализм» деб кериладиганлар йўқ, деб ўйлайсизми?..** Бундай терговдан чиққан одамнинг ишончи чилпарчин бўлади, руҳи синади.

Шунинг учун бугун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолияти қонун қачон ва қаерда, ким томонидан бузилишини кутиб ўтириш эмас, профилактика қилиш, тушунтириш нуқтаи назаридан тубдан ислоҳ этиляпти. Фуқаролар қонун аввало, жазолаш воситаси эмас, ҳуқуқ ва манфаатлар кафолати эканига амин бўляпти. Бу эса инсон ўзини эмин-эркин ҳис қилишига йўл очиб бермоқда.

Ўзи умуман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралардан ҳадиксираш, имкон қадар улардан узоқроқ юришга интилиш эски тузумдан қолган, ҳалигача тўлиқ тузатилмаган мудҳиш касалликка ўхшайди, жиддий муолажалар ўтказмасдан уни даволаш мушкул. Одамлар аслида ҳуқуқни, эркинликни ҳимоя қилиши керак бўлган масъуллардан қўрқиши ҳаёт мантиғига бутунлай тескари ҳолат.

Демократияга, тараққиётга интилган давлатда бир одамнинг ишончи сўндирилиши, руҳи синдирилиши ҳам оғир ҳодиса, деб қабул қилинади. Нимага шундай?.. **Биргина одам ноҳақ қамалиб қолса, осмон узилиб тушадими?.. Ундан ҳам ёмон бўлади. Адолатсиз тергов ва суд яна қанчадан-қанча одамларнинг кўнглини чўктиради, ёшларни қўрқоқ, журъатсиз қилиб қўяди. Жамиятда, ён-атрофимизда руҳи букилган, қўрқоқ одамларнинг кўпайиши давлат учун, халқу миллат учун даҳшатли фожиага айланади. Бунга йўл қўйиб бериш кулфат келтиради.** Шунинг учун суриштирув, тергов, суд жараёнлари жирканч ўйинлардан холи бўлишига интилиш, инсонга ўзини ҳимоя қилиш имкониятини кафолатлаш тарихий ислоҳот, деб баҳоланади.

Давлат дастурида доимий ва вақтинча рўйхатга қўйиш (ҳисобга олиш) тартибининг соддалаштирилиши белгиланганини, шубҳасиз, инсон эркинлиги билан боғлиқ энг катта инновациялардан бири бўлди. Бунинг аҳамиятини тушуниш учун кўзланган мақсадга назар ташлашнинг ўзи етарли: фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш. Эътибор қаратинг, янада мустаҳкамлаш эмас, айнан таъминлаш.

Шу ниятда бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш назарда тутилган. Лойиҳаларда паспорт олиш, таълим олиш, меҳнат қилиш ва бошқа ҳуқуқларни амалга оширишда прописка билан боғлиқ **чекловларни бартараф қилиш** режалаштирилган.

**Эркинлик энг юксак туйғудир, шунинг учун эркинлик ҳақидаги ёлғон энг мудҳиш ёлғон ҳисобланади,** деб ёзган эди Франц Кафка.

Инсон эркинлиги муқаддас, айни пайтда яхлит тушунча. У яримта ёки чала бўлиши мумкин эмас. Инсон туғилар экан, унинг эркинлиги ҳам дунёга келади. **Эркинлик яшаш ҳуқуқидан бошланади. Бу ҳуқуқни одам боласига Яратган ато этган.**

Энди ўзингиз қаранг, биргина прописка масаласида олдимизда қанча тўсиқларни олиб ташлаш вазифаси турибди:

вояга етмаган шахснинг белгиланган муддатда паспорт олмаганлиги учун маъмурий жавобгарликни **бекор қилиш;** меҳнат муносабатлари жараёнида паспорт тизими қоидаларига риоя этмаганлик учун иш берувчининг маъмурий жавобгарлигини **бекор қилиш;** мавсумий ишларга жалб қилинганларни вақтинчалик рўйхатга олиш тизимини соддалаштириш, улар учун уй-жой ижараси, уй-жойдан текин фойдаланиш битимини тузиш талабини **бекор қилиш;**

Тошкент шаҳри ва вилоятида доимий пропискага эга бўлмаган фуқаролар учун асоссиз спекуляциянинг олдини олиш чораларини кўрган ҳолда иккиламчи бозордан кўчмас мулк сотиб олишга бўлган **чекловларни бекор қилиш;** ички туризмни ривожлантириш мақсадида вақтинча пропискасиз (яшаш жойи бўйича ҳисобга турмасдан) бўлиш **муддатини узайтириш;** вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшаганлик учун маъмурий жазо чораларини енгиллаштириш, яшашга йўл қўйганлиги учун жавобгарликни бекор қилиш.

Охирги сўзларни яна бир қайта ўқиб кўринг... **яшашга йўл қўйганлиги учун жавобгарлик...** Бу сўзлар жуда ғайритабиий эшитилади. Бу нима деганидир?.. Уйингга меҳмон келиб, 4-5 кун туриб қолса, жавоб беришинг керак эди, деганими?.. Меҳмондўст, бағрикенг, улуғ ота-боболаримиз бундай ҳолатга қандай муносабат билдирарди?..

**Одам боласи фалон жойда яшайман, фалон соҳада ишлайман, фалон жойда бахтимни топаман, деган режалар билан дунёга келмайди. Ризқи-насибаси қўшилган жойга тақдири азалнинг ўзи бошлаб боради. Насиб қилмаса, инсон бир жойда бир кун ҳам яшай олмайди...**

Дунё юксак тараққиёт сари интилиб яшаётган замонда ҳар хил баҳоналар билан инсонни, унинг ҳуқуқлари ва эркинлигини чеклаган давлат халқини дунёнинг кўз-ўнгида хижолатга қўяди, ўзини ҳам уятга қолдиради. Одамни энг катта қадрият қилиб юқорига қўйиш ниятида белгилаб олинган эзгу вазифалар Ўзбекистон ҳеч қачон бундай давлатлар қаторида туришни истамаслигини англатади. Бу энг муҳим ва жиддий инновациядир, у йиллар ўтгани сари янгидан-янги мўъжизалар яратади.

**Тенглик ҳукм сурган жойда сотқинлик, алдамчи эҳтирослар, ғам-ғусса бўлмайди.**

**Абу Райҳон Беруний**

**Эркинлик ва ҳақиқатни севмайдиган киши қудратли инсон бўлиши мумкин, лекин ҳеч қачон буюк бўлолмайди.**

**Вольтер**

**Эркинликка муҳаббат инсонга муҳаббат демакдир...**

**Уильям Хэзлитт**

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ**

# Йигитлар хизматга жўнаб кетди



Навоий шаҳрида йигитларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлиб ўтди. Тантанали тадбирда ҳарбий қисмларнинг мутасадди вакиллари, ота-оналар, нуронийлар, маҳалла оқсоқоллари иштирок этди.

Кармана туманида туғилган Жасур Фазлиддинов ёшлигидан ҳарбий бўлишни ният қилди. У ўз орзусини амалга ошириш учун мунтазам спорт билан шуғулланиб, совринли ўринларни эгаллади. Ниҳоят, тенгқурлари қатори юрт ҳимоясига отланди.

— Бугун мен жуда бахтлиман, — дейди Жасур. — Мана, ниҳоят, орзуим ушалиб эгнимга ҳарбий либос кийдим. Бор куч-ғайратимни Ватан ҳимоясига бағишлайман. Она Ватанимга садоқат билан хизмат қиламан.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## МУНОСАБАТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фармонига асосан сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматга олинадиган фуқаролар томонидан тўланадиган пул бадаллари миқдори камайтирилди ва улар учун енгиллик ва қулайликлар яратилди.

# Сафарбарлик чақируви

## учун тўланадиган пул бадаллари камайтирилди

Фармонга мувофиқ, сафарбарлик чақируви резерви хизматига қабул қилинган фуқаролар томонидан махсус ҳисоб рақамига тўланадиган пул бадали жорий йилнинг 5 февралидан бошлаб энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баробари, яъни 3 444 800 сўм этиб белгиланди. Унга қадар сафарбарлик чақируви резерви хизматига олинган фуқаролар томонидан тўланадиган пул бадали энг кам ойлик иш ҳақининг 27,5 баробари, яъни 4 736 600 сўмни ташкил этган.

Маълумот учун шуни айтиш лозимки, сафарбарлик чақируви резерви хизматига олинган фуқаролар томонидан 2018 йилнинг 5 февралига қадар тўланган пул бадалларининг янгидан белгиланган миқдордан ортиқча қисми қайтариб берилмайди.

Жорий йилнинг февраль-март ойларида туман (шаҳар) чақирув комиссиялари томонидан сафарбарлик чақируви резерви хизматига ўтказиладиган чақирув ёшидаги фуқаролар яратиб берилган ушбу имкониятдан кенг фойдаланган ҳолда янгидан белгиланган тартиб бўйича шартномалар имзолаб, пул бадалларини тўлашлари мумкин.

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан 2003 йилдан бошлаб чақирув ёшидаги фуқаролар учун ҳарбий хизмат тури сифатида сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат жорий этилган.

Унга мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли, чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган шахслар сафарбарлик чақируви резерви сафига олинадилар.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ҳудудий принцип асосида ойлик йиғинлар тарзида ташкил этилган бўлиб, чақирилувчилар томонидан махсус ҳисоб рақамга пул бадали киритилишини назарда тутади.

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига ўн саккиз ёшдан йигирма етти ёшгача бўлган чақирилувчилар олинади ва улар ҳар йилги ҳарбий йиғинларга жалб этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, сафарбарлик чақируви резерви хизматига олинадиган фуқаролар томонидан махсус ҳисоб рақамига тўланадиган пул бадалларининг тўланиш тартиби ва шартлари Қуролли Кучларда ҳарбий хизматга навбатдаги чақирув даврида чақирилувчи ва Мудофаа вазирлиги номидан ҳудудий мудофаа ишлари бўлими бошлиғи ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

Сафарбарлик чақируви резерви хизматига олинган чақирилувчилар томонидан пул бадаллари, уларни сафарбарлик чақируви резерви хизматига олинганидан кейин бир йил мобайнида Халқ банки муассасалари орқали тўланади. Томонларнинг келишувига кўра, тўлов тўлиқ, бир йўла ёхуд босқичма-босқич амалга оширилиши мумкин.

Пул бадалларини тўловнинг барча усулларидан фойдаланган ҳолда, яъни нақд пул кўринишида, пластик карточкалар орқали ёки пул ўтказиш йўли билан тўлаш имконияти мавжуд.

Ўтган давр мобайнида ёшлар онгида армия ҳақида, Ватан ҳимояси ҳақида ижобий фикрлар шаклланишида ҳарбий хизматнинг мазкур тури ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматнинг ойлик йиғинида ёшларимиз Ватан олдидаги муқаддас бурчини ўтаб, бошланғич ҳарбий тайёргарликни эгаллаб, ҳаёт мактабида тобланяпти. Шу боисдан ҳам давлатимиз раҳбари томонидан сафарбарлик чақируви резерви хизматини такомиллаштириш, ўтказилаётган жанговар, маънавий-маърифий тайёргарликлар тизимини янада яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда.

**Эркин РАҲМАТОВ,**
**Мудофаа вазирлиги Бош бошқармаси бошлиғи, полковник.**

Жамиятимизда рўй бераётган бугунги ўзгаришлар, бунёдкорлик ва ободончилик ишлари публицист ва журналистлар, ёзувчилар ижодида ўз ифодасини топмоқда. Яқинда таниқли журналист Ғулом Мирзо қаламига мансуб – «Ҳаракатлар стратегияси – барқарорлик сари» китоби «Baktria press» нашриёт уйи томонидан чоп этилиб, ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинди.

## Барқарор тараққиёт сари




Китоб Тараққиёт стретегияси маркази ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази шафелигида нашр этилган.

Истеъдодли ижодкор Ғулом Мирзонинг ўтган йиллар мобайнида жамиятимиз ҳаёти ва тараққиётига бағишланган «Обод маҳалла — обод мамлакат тараққиёти кафолати», «Конституция ва маънавият», «Конституциямиз — буюк ҳаёт қомусимиз», «Ўзбекистон конституциявий давлат сари», «Демократик ва халқчил Қомус» (ҳаммуаллифликда), «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва оммавий ахборот воситалари» каби публицистик китоблари нашр этилган.

Муаллифнинг бундан икки йил олдин «Мустақилликнинг залворли одимлари» номли икки жилддан иборат китоби нашрдан чиққан эди. Мазкур йирик тўпламнинг биринчи жилди Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 25 йиллигига, иккинчи жилди эса Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг ёрқин хотирасига бағишланган.

«Ҳаракатлар стратегияси — барқарорлик сари» номли китобда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган, 2017-2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз боради. Ҳаракатлар стратегияси кенг жамоатчилик муҳокамасига ҳавола қилингани, тасдиқлангани ва кучга киргани ҳамда ҳаётимизнинг турли соҳаларига теран татбиқ этилаётгани билан боғлиқ жараёнлар қизиқарли мақола, шарҳ ва интервьюларда ўзига хос услубда таҳлил ва талқин этилади.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган ушбу китоб Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қўмитаси раиси, академик Акмал Саидов сўзбошиси билан бошланади.

**Носир ТОИРОВ,**
**сиёсатшунос,**
**ЎзХДП аъзоси.**

# Бутун дунё халқларининг севимли шоири

Навоий шаҳридаги «Ёшлар маркази»да ўтказилган «Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни» мавзусидаги II анъанавий халқаро илмий конференцияда дунёнинг ўнга яқин мамлакатидан йигирма нафардан ортиқ навоийшунос иштирок этди.




— Дунёда тенги йўқ биргина шоир бор, у — ҳазрат Алишер Навоий, жаҳонда ўхшаши йўқ ягона шаҳар бор — бу Навоий шаҳридир, — деди академик **Бахтиёр Назаров.** — Иккинчи маротаба ўтказилаётган анжуман Навоий вилоятининг дунё навоийшунослигида муҳим ўрин тутишини кўрсатади.

— Алишер Навоий бобомизга бағишлаб республикамизда илгари ўтказилган халқаро анжуманларда икки-уч давлатдан олимлар иштирок этар эди, — дейди **профессор Иброҳим Ҳаққул**. — Бу конференцияда кўплаб хорижлик олимларнинг қатнашгани унинг аҳамиятини янада оширади.

— Конференция арафасида Алишер Навоий ижодий мероси татбиқ этилган 200 га яқин илмий мақолалар тўпланиб, уларнинг 109 таси сараланди ҳамда монография чоп этилмоқда, — дейди **Навоий давлат педагогика институти ўқитувчиси Зариф Кувонов.** — www.anic.uz Бундан ташқари, Alisher Navoi international conference веб-сайти ишга туширилди. Унда юртимиз ҳамда дунё олимлари, шунингдек, конференция қатнашчиларининг изланишлари жамлаб борилади.

— Бугун «Фарҳод ва Ширин» достонининг украин тилидаги таржимаси, Афғонистон ҳамда бошқа мамлакатларда чоп этилган Навоий китоблари навоийликларга туҳфа этилганлигининг гувоҳи бўлдик, — дейди **«Кармана овози» газетаси масъул котиби, шоир Одил Ҳотамов.** — Мазкур нодир китоблар вилоят музейида сақланади. Энди улар асосида илмий ишлар олиб бориш имконияти пайдо бўлди.

**Нурулло ОЛТОЙ,**
**Афғонистон давлат университети доценти:**

— Мир Алишер Навоий нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунё халқларининг севимли шоири ва атоқли мутафаккири саналади. Бундай буюк аллома билан чексиз фахрланамиз. У кишининг ҳар бир байтидан одоб ва ахлоққа оид фалсафий хулосалар чиқариш мумкин.

Бу анжуман улуғ сўз санъаткори ва давлат арбоби меросининг янги-янги қирраларини очди, бу маънавий бойлик ҳали янада чуқур изланишлар, ўрганишлар олиб боришни тақозо этади.

**Абдусалом АБДУҚОДИРОВ,**
**Хўжанд давлат университети профессори, академик (Тожикистон):**

— Алишер Навоий нафақат ўзбекларнинг, балки, тожикларнинг ҳам севимли шоиридир. Тожикистонда ҳам Навоийни қадрлашади, унинг асарларидаги қаҳрамонларни ёшларга ибрат сифатида кўрсатишади. Мен Навоий шаҳридаги бундай тадбирда биринчи марта қатнашяпман. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жаноби олийларининг ташаббуси билан ташкил этилган, буюк шоир ижодига бағишланган халқаро конференцияга таклиф этилганимиз бизни ниҳоятда мамнун қилди. Навоий зуллисонайн шоир сифатида Тожикистонда шу қадар эъзозланадики, унинг туғилган куни бизда ҳам ҳар йил муносиб нишонланади, қатор халқаро анжуманлар, мушоиралар, учрашувлар ўтказилади, мақолалар чоп этилади. Навоийнинг ҳаёти ва ижоди юртимиздаги барча мактаб ва олий ўқув юртларида кенг ўрганилмоқда. Бу буюк зотга бўлган меҳр ва муҳаббатимизни ифодалайди.

**Азамат АКБАРОВ,**
**Олмаота шаҳридаги Қозоқ миллий университети профессори:**

— Буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий нафақат ўзи ижод қилди, балки бошқа иқтидорларга ҳам шеърият йўлини очиб берди, илм аҳлига имкониятлар яратди. Бу билан у Хуросонда илм-фан, санъат ва адабиётнинг ривожини таъминлади. Буюк қалб эгасининг ватанпарварлик, одамийлик фазилатларига, яхши хулқ-атворга чорловчи асарлари у яшаган даврдаёқ халқнинг шиорига айланди.

Конференция доирасида «Фарҳод» маданият саройида ҳазрат Навоий ғазал ва рубоийлари асосида тайёрланган концерт дастури намойиш этилди. Унда вилоятимизда ўтказилган «Навоий ворислари» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди. Ҳудудий босқичларда қатнашган 2,5 мингдан зиёд ёш навоийхонлар орасидан 6 нафар ғолиб саралаб олинган эди. Биринчи ўринга лойиқ деб топилган карманалик 8-синф ўқувчиси Иброҳим Ғаффоровга вилоят ҳокими Қобул Турсунов томонидан Президент совғаси — «Spark» автомашинаси тақдим этилди. 2-ўринни қўлга киритган икки нафар, 3-ўринга лойиқ кўрилган уч нафар ёшга эса компьютер жамланмаси ҳамда ноутбуклар топширилди.

Анжуманни намунали ташкил этишдаги ташкилотчилиги учун вилоят Маънавият ва маърифат марказига Президент совғаси — «Lacetti gentra» автомашинаси берилди.

**Илҳом САТТОРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

СПОРТ

Жанубий Кореянинг Пхёнчхан шаҳрида XXIII қишки Олимпия ўйинлари давом этмоқда. Нуфузли мусобақада 92 давлатнинг 3500 нафардан ортиқ спортчиси 15 спорт тури бўйича медаллар учун кураш олиб бормоқда.

## Пхёнчханда қишки олимпия ўйинлари давом этмоқда




Мазкур Олимпия ўйинларида мамлакатимиз шарафини фигурали учиш баҳсларида Миша Ге ва тоғ чанғиси бўйича Комилжон Тўхтаев ҳимоя қилади. Миша Ге 16 февраль куни бошланадиган фигурали учишнинг қисқа дастурида, 17 февраль куни эркин дастур бўйича ўз маҳоратини намойиш этади. Комилжон Тўхтаев 18 февраль куни тоғ чанғисининг гигант слалом, 22 февралда слалом бўйича ўтадиган мусобақаларда қатнашади.

Пхёнчхандаги Олимпиаданинг олтинчи кунги баҳсларидан сўнг Германия терма жамоаси 4 олтин, 1 кумуш, 2 бронза медалини қўлга киритиб, пешқадамлик қиляпти.

Голландия терма жамоаси спортчилари 3 олтин, 2 кумуш ва 2 бронза медали билан иккинчи ўринни эгаллаб турибди. 2 олтин, 4 кумуш, 3 бронза медалига сазовор бўлган Норвегия терма жамоаси учинчи ўриндан жой олган.

Бугунги кунга қадар жами 17 давлат терма жамоалари камида биттадан бронза медалини қўлга киритди.

Кеча Олимпиада — 2018 доирасида спортчилар 7 медаллар жамланмаси учун баҳс олиб боришди.

Мусобақа 25 февралга қадар давом этади.

**Шаҳбоз САИДОВ**

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

## Суюлтирилган газ *таъминоти янада яхшиланади*

«Ўзтрансгаз» акциядорлик жамияти матбуот анжумани ўтказди.



Маълумотларга кўра, бугунги кунда республикамиз бўйича 6 миллион 143 минг истеъмолчи газ ёқилғиси билан таъминланган. Шундан 3 миллион 300 мингдан ортиқ уй-жой ҳамда 83 мингга яқин улгуржи истеъмолчига табиий газ, 2 миллион 760 минг аҳоли хонадонларига эса суюлтирилган газ етказиб берилмоқда.

— 105,8 километр газ қувурлари мукаммал таъмирланиб, 239,7 километр газ қувурлари реконструкция қилинди, 68 мингдан ортиқ газ тақсимлаш пунктлари қайта текширилиб, 7 минг километрга яқин қувурлар босим остида синалди, — дейди **«Ўзтрансгаз» АЖ бошқарма бошлиғи Акмал Эшонкулов.** — Бу йилги мавсумда қўшимча равишда 21 минг 723 тонна суюлтирилган газ ажратилганлиги боис, ҳар бир хонадоннинг ойлик ўртача таъминот даражаси 10 килограммдан 15 килограммга оширилишига эришилди.

Тадбирда 2018 йил 1 апрелдан аҳолига сотиладиган 1 килограмм суюлтирилган газ нархи Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 720 сўм, Андижон, Наманган, Фарғона ва Тошкент вилоятларида 700 сўм, қолган ҳудудларда 500 сўм этиб белгиланиши ҳамда 2018 йил 1 августдан эътиборан эса Республикамизнинг барча ҳудудларида суюлтирилган газ аҳолига 1 килограмм учун 800 сўмдан етказиб берилиши таъкидланди.

Эслатиб ўтамиз айни пайтда 1 килограмм суюлтирилган газ нархи Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 720 сўм, водий вилоятларида 644,7 сўм, Тошкент вилоятида 606 сўм, Бухоро ва Навоий вилоятларида 450 сўм, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида 372 сўм, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида 327,6 сўм этиб белгиланган.

**— Нима сабабдан суюлтирилган газнинг 1 килограмми аҳолига айнан 800 сўм қилиб белгиланди?**

**ЖАВОБ:**

— Бугунги кунда аҳолига етказиб берилаётган суюлтирилган газ харажатлари кўпайиб кетаётганлиги, бу жараёнда кўплаб ходимлар ҳамда транспорт воситаларининг иштирок этаётганлиги биринчи омил бўлса, иккинчиси, кўтарилган нархда тушадиган маблағлар кўрсатилаётган хизмат сифатини янада яхшилашга сарфланади. Бундан ташқари газдан беҳуда фойдаланиш ҳолатларининг олдини олади ва тежамкорликка ундайди, деган умиддамиз.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

РЕКЛАМА

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- Ямобуры.
- Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru
Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Saidkamol XODJAYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

A — 238. 14799 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 00:15.
Topshirilgan vaqti — 00:45

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 4 5 6